

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турсунова Наргиза Рахимовна

Ўзбекистон Республикаси Банк-мөлия академияси доценти

Email: [norgiza.tursunova@bk.ru](mailto:norgiza.tursunova@bk.ru)

### ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 11

DOI:[https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1\\_iss11/a7](https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss11/a7)

### ABSTRACT

Маколада акциядорлик жамиятларида капитални бошқариш механизмини ташкил этишининг зарурати ва долзарблиги асосланган. Капитални бошқариш тамойиллари ва унинг асосий жиҳатлари ёритилган. Акциядорлик жамиятларида капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Капиталдан фойдаланишга доир самарадорлик кўрсаткичларининг мазмуни ва улардан фойдаланишнинг иктисадий асослари очиб берилган. Капитални шаклланиш манбаларини бошқариш механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

### KEYWORDS

капитал, акциядорлик жамияти, қарз капитали, молиявий барқарорлик, ликвидилик, стратегия, молиялаштириши, ташки манбалар, ташки муҳит

### Кириш (Введение/Introduction)

Мамлакатимизда боскичма-боскич амалга оширилаётган оқилона иктисадий-молиявий сиёсатининг амалий самарасини ҳар бир жиҳатини кузатишимиш мумкин. Шу ўринда айтиш керакки, сўнгти йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларидан оқилона фойдаланиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириши ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидәги фармонидаги кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувига халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандушларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камидаги 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камидаги 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш [1] вазифалари алоҳида белгилаб кўйилган.

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштиришда капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим ўрин тутади. Корпоратив тузилмалар капитал таркибини шакллантириш ҳар қандай ижро ва молиявий бошқарув органлари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб, молиявий қарорлар кабул қилишнинг асосини ташкил килади десак муболага бўлмайди. Кейнинг йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув механизмини такомиллаштириш, трансформация жараёнларини амалга ошириш, устав капиталида давлатнинг иштирокини боскичма-боскич камайтириши борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга айrim акциядорлик жамиятларида капиталдан фойдаланиш самарадорлигини паст даражада сакланиб колинаётганлиги уларнинг пишорад молиявий натижаларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири саналади. Бу эса ўз навбатида уларнинг молиявий барқарорлик даражаларини салбий томонга ўзгаришига олиб келади. Капиталдан

foydalaniш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш асосида илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш танланган тадқиқот мавзусининг дозарблигини ўзида намоён этади.

### Адабиётлар шархи (Обзор литературы / Literature review).

Компаниялар капитал тузилишини оптималлаштириш, капитал таркибини самарали шакллантириш ва капитал қийматини аниқлашга доир мамлакатимиз ва хорижий иктисадчи олимлар томонидан қатор фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Уильям Шарп томонидан ишлаб чиқилган “Молиявий (капитал) активларни баҳолаш модели” (CAPM) молиявий менежментда акциядорлик капитал баҳосини аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур модел, молиявий активнинг талаб килинган микдордаги даромадлигини аниқлашда ушбу молиявий активга бозор риски таъсири даражасини аниқлашни назарда тутади [2]. Назариянинг предмети эса, кимматли қоғозларнинг рисклилик даражаси ва даромадлигини аниқлаш хисобланади. Замонавий корпоратив молиянинг назарий ва амалий муаммоларига багишлиланган тадқиқотлар муаллифи А.Дамодарнинг фикрича, хусусий капиталнинг баҳоси – инвестор томонидан компания капиталига киритган инвестиция (сармоя)сидан кутаётган даромадлилик тушунилади [3]. Роджер Ибботсоннинг фикрига кўра “капитал қиймати бир хил риск даражасига эга мукобил инвестициялар орқали олинадиган даромадга тенгдир”. Яъни, инвестор компаниянинг рақобатчиси бўлган бошқа компания кимматли қоғозларига сармоя киритишга қарор килади. Бундай ҳолда, риск бир хил даражада бўлсада рақобатчи компанийнинг кимматли қоғозлари мукобил инвестиция хисобланади [4].

Проф. А.Бурхонов ва О.Хамдамовлар акциядорлик жамияти капитали, қарз капитали ва баҳолаш усуllibарига ўзларини ёндашувларини келитириб ўтгандар. Олимларнинг фикрига кўра: “акциядорлик жамиятини қарз капиталини баҳолашда молиявий левераж энг асосий кўрсаткич бўлиб, ушбу кўрсаткич акциядорлик жамият томонидан хусусий капитал самарадорлиги коэффициентини

ўзгаришига таъсир килувчи қарз маблағларидан фойдаланишни тавсия этади” [5]. Р.Х.Карлибаеванинг тадқиқотига кўра, акциядорлик жамиятида капитал таркибидаги қарз капиталини самарали жалб килиш натижасида активлар рентабеллигининг жорий ҳолати ва хусусий капитал рентабеллигининг максимал даражага эришини таъминлашини кўрсатди. Факаттина, акциядорлик жамиятининг қарз капитали киймати ўзгармас даражада бўлиши лозим. Шунингдек, капиталини ўртача тортилган киймати акциядорлик жамиятини қарз капитал даражасини минимал даражасини хамда хусусий капитал кийматини максимал даражасини кўрсатди [6].

М.Эшовнинг фикрига кўра, акциядорлик жамиятини ички кийматини аниқлашда қарз капитали кийматига эътибор қаратиш лозим. Чунки, қарз капитали ички кийматга тугридан-тўғри таъсир килади. Шу боисдан, қарз капитали киймати баҳолашда акциядорлик жамиятларини рентабеллик кўрсаткичларини ҳам инобатга олиш лозим, деб таъкидлаган [7]. Олим томонидан асосан корхона капиталини баҳолашдаги фундаментал ёндашувлар тадқиқ этилган бўлиб, капиталдан фойдаланиш самарадорлиги аввало капиталнинг ҳақиқий яъни ички кийматига бевосита таъсир кўрсатади, деб хулоса килинган.

Х.Х.Худойкуловнинг тадқиқотларига асосан, компанияларнинг қарз капитали кийматини баҳолашда жаҳонда кенг фойдаланётган коэффициентлардан хисобланган, жумладан, қарз киймати, қарзни хусусий капиталга нисбати, левераж ва қарз коэффициенларидан кенг фойдаланиш орқали компаниялар капитали бошқаруви самарадорлигини ошириш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган [8]. Олимнинг тадқиқотларида, “қарз капитали кийматини дунёда кенг фойдаланётган ёндашув ва усуллардан орқали аниқлаш мақсадга муваффик бўлади” деб таъкидлаган. Акциядорлик жамиятлари облигациялар эммисия килмаган бўлса, унда қарз киймати (cost of debt), қарзни капиталга нисбати коэффициенти (debt to equity ratio), қарз коэффициенти (debt ratio), қарзни активларга нисбати коэффициенти (debt to asset ratio) ва левераж коэффициентлари орқали қарз капитали кийматини аниқлаш усулларидан фойланиш лозим.


#### Тадқиқот усувлари ( Методология/Methodology).

Мақолани тайёрлаш жараённада абстракт ва аналитик кузатиш, қиёсий ва омилли таҳлил, танланма кузатув, таққослаш, иқтисодий-статистик, диаграммаси ва аниқ муддатда каби усувлардан фойдаланилди.

#### Тахлил ва натижалар (Анализ и результаты/ Analysis and results).


Акциядорлик жамиятлари капитали самарадорлиги ва уни бошқаришнинг мухим омилларидан бири капиталнинг шаклланниш тамойиллари бўлиб, бу орқали акциядорлик жамиятлари ривожланиш даражаси ва молиявий барқарорлигига эришиш мумкин. Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида капиталнинг шакллантириш тамойилларини куйидаги расм орқали ифодалашимиз мумкин (1-расм).

Дарҳақиқат, корпоратив тузилмалар иқтисодий-молиявий фаолияти самарадорлиги даражаси кўп жиҳатдан унинг капиталини мақсадли шакллантириш билан белгиланади. Акциядорлик жамиятлари капиталини шакллантиришнинг асосий мақсади зарур активларни сотиб олишга бўлган эҳтиёжини кондириш ва undan самарали фойдаланиш шартларини таъминлаш нуткан назаридан унинг тузилмасини оптималлаштиришдир. Компаниянинг молиявий ва инвестицион стратегиялари ҳамда истикболли ривожлантириш параметларини хисоб олган ҳолдаги тамойил, капиталнинг ҳажми ва тарқибини шакллантириш жараённи нафқат компания фаолиятининг даастлаби босқичида, балки узок истикболда ҳам унинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий мустақилларини таъминлаш вазифаларини бажаришга йўналтирилган. Албатта мазкур жараёнда компания фаолиятини ташкил этишдан бошлаб инвестицион лойиҳаларни амалиётта тадбиқ этишгача босқични ўз ичига қамраб олиши лозим. 1-расм маълумотларидан кўринадики, компания капиталини шакллантириш тамойилларининг ҳар бир босқичи молиявий-операцион фаолиятни ўйлга қўйишидан бошлаб истикболда фаолиятни такомиллаштиришгача бўлган ривожланиш тенденцияларини тўлиқ камраб олади.



1-расм. Акциядорлик жамиятлари капиталининг шакллантириш тамойиллари<sup>1</sup>

Корпоратив молия ва бизнесда капитални самарали бошқариш компания муваффакияти ва барқарорлигини белгилашда асосий рол ўйнайди. Капитални бошқариш жараёни рентабелликни оптималлаштириш, рискларни бошқариш ва умумий фаолият самарадорлигини ошириш учун молиявий ресурсларни стратегик тақсимлаш ва улардан фойдаланиши ўз ичига олади. Капитал базасини бошқариш компания ўз ва қарз маблағларини қандай шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича асосли қарорлар қабул килишни, унинг молиявий тузилмасининг узок муддатли мақсад ва вазифаларига муваффикларни таъминлашини ўз ичига олади (2-расм).



2-расм. Капитални бошқариш механизми ва асосий мақсадлар кетма-кетлиги<sup>2</sup>

Капитални бошқаришнинг асосий мақсадларидан бири инвестицияга йўналтирилган ресурслардан максимал фойда олишдир. Мавжуд молиявий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда компания юкори фойда олиши ва барқарор ўсишга эришиш мумкин. Бу риск, потенциал даромад ва ликвидлик каби омилларни хисобга олган ҳолда турли хил инвестиция имкониятларини тизимли баҳолашни ўз ичига олади. Капитални бошқариш яна бир мақсадларидан бири, компания фаолияти билан боғлиқ молиявий рискларни минималлаштириш хисобланади. Бу компания молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва камайтиришни ўз ичига олади. Қарз ва ўз капитални ўртасидаги оптимал мувозанатни саклаб колиши орқали компаниялар иқтисодий таназулга, фоиз ставкаларининг ўзгаришига ёки бозорнинг кутилмаган ўзгаришларига нисбатан таъсирчанлигини (заифлигини) камайтириши мумкин.


Капитални бошқаришнинг мухим жиҳатларидан бири айланма маблағларни самарали бошқаришдир. Айланма маблағларни самарали бошқариш компанийнинг пул оқимини оптималлаштириш билан бирга киска муддатли маҳбуриятларини бажариш учун етарли ликвидликка эга бўлишини таъминлайди. Мисол учун, захираларни бошқаришнинг самарали усувларини жорий килиш орқали компания захира билан боғлиқ харажатларини минималлаштириши ва захираларнинг етишмаслик эҳтимолини камайтириш мумкин, шу билан операцион самарадорлики оширади ва айланма маблағларга бўлган талабларни камайтиради.

Капитал базасини бошқариш компания капиталининг оптимал тузилишини аниқлашни ҳам ўз ичига олади. Бу операциялар ва инвестицияларни молиялаштириш учун фойдаланиладиган қарз ва акциядорлик маблағларининг комбинациясини англатади. Капитал тузилиши тўғрисидаги карор компаниянинг капитал кийматига, риск

хусусиятига ва инвесторларни жалб қилиш қобилиятига таъсир килади. Масалан, баркарор пул оқимлари ва паст риск профилига эга компаниялар солик имтиёзларига эга бўлиш ва капитал баҳосини пасайтириш учун қарзни молиялаштиришининг юкори даражасини афзал кўришилари мумкин. Бошқа томондан, рентабеллик даражаси нисбатан паст тармокларда фаолият юритувчи компаниялар молиявий рискларни камайтириш учун ўз капиталининг юкори улушига эга бўлган консерватив капитал тузилмасини ташлаши мумкин. Капитални самарали бошқариш компания молиявий ва инвестицион стратегик режалаштириш хамда карор қабул қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу компаниянинг молиявий ҳолат, бозор динамикаси ва узоқ муддатли мақсадларини ҳар томонлама тушуниши талаф қилади. Сармояни тақсимлаш бўйича карорларни стратегик устуворликларга мослаштириш орқали компания ўз молиявий ресурсларини ўсишни рағбатлантирадиган ва киймат яратадиган ташаббусларга йўналтирилишини таъминлаши мумкин.

Капитални бошқаришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилаштириш. Айтиб ўтиш керакки, капитални бошқариш самарадорлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири айланма маблағларни қанчалик тўғри бошқарилаётганилиги ҳисобланади. Айланма маблағлар компаниянинг ликвидитиги, тўлов қобилияти ва рентабеллитетиги умуман олган молиявий баркарорлигини саклаб туриш учун зарур параметлардан бири саналади. Капитални бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва яхшилаш орқали компания пул оқимини оптималлаштириши, молиялаштириш харажатларини камайтириши ва операцион самарадорлигини ошириши мумкин.

Капитални бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва яхшилаш учун фойдалананиш мумкин бўлган бир неча асосий кўрсаткичлар ва мезонлар мавжуд бўлиб, буларнинг асосийлари сифатида куйидагиларни келтириши мумкин (3-расм).



3-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари ва ёнчмарқ<sup>3</sup>

Накд пул айланниш даври (Cash-to-Cash Cycle Time). Ушбу коэффициент компаниянинг захира ва дебиторлик қарзларини накд пулга айлантириш (конвертация) учун қанча кунлар сонини, кредиторлик қарзларини тўлаш учун кетадиган кунлар сонини аниқлашса хизмат қилади. Пулнинг айланниш даври қанчалик кам бўлса, капитални бошқариш самарадорлиги шунчалик юкори бўлади, чунки бу каби компаниялар ўз фаолиятидан пул маблағларини тезроқ генерация қилиш ва ташки молиялаштиришга боғликлигини камайтириши мумкинлигини кўрсатади. Мисол учун, агар компания мазкур коэффициент бўйича 40 бирлик натижага эга бўлса, демак, айланма маблағларини накд пулга айлантириш учун ўртacha 40 кун керак бўлади. Компания захиралар даражасини камайтириш, мижозлардан пул тушумларини кўпайтириш ва етказиб берувчилар билан тўлов шартларини узайтириш орқали мазкур

#### References:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш хамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон фармони.
- Jonathan Berk, Peter DeMarzo, Jarrad Harford, Fundamentals of corporate finance. – 2 nd ed. Prentice Hall, 2012 y, p. 41
- Damodaran, A. Valuation approaches and metrics: A survey of the theory and evidence//Foundations and Trends in Finance Volume 1, Issue 8, 2007, Pages 693-784.
- Roger G. Ibbotson, Gary P. Brinson «Global Investing: The Professional's Guide to the World Capital Markets» Fourth edition, Cambridge University Press, 2009 – 339 с.
- Бурхонов А.У., Ҳамдамов О.Н. «Молиявий менежмент» Дарслик. – Т.: «Инновацион ривожлантириш нашриёт-уий», 2020 й. 240-241 бет.
- Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиши йўллари. и.ф.д. олиш учун ёз.дис. автореферати. – БМА - Т., 2018. – 17 бет.
- Эшов М.П. «Корхонанинг фундаментал қийматини бошқариш: назария ва амалиёт» Монография.-Т.: «Маънавият», 2020 й. - 200 бет.
- Худойкулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. DSc. илмий даражасини олий учун тақдим этилган дис. авт. – Т.: 2021 й. - 21 б.

коэффициентни яхшилаши мумкин. Маълумки, жорий ликвидлик коэффициенти компаниянинг жорий активлари ёрдамида киска муддатли мажбуриятларини тўлаш қобилиятини аниқлашга ёрдам беради. Мазкур коэффициент жорий активларни жорий мажбуриятларга нисбати орқали аниқланади. Жорий ликвидлик коэффициент қанчалик юкори бўлса, капитални бошқариш самарадорлиги шунчалик самарали деган хulosага келиш мумкин, чунки бу компания молиявий мажбуриятларини баҳариш учун етарли ликвидликка эга эканлигини кўрсатади. Жалб қилинган капитал рентабеллигига (ROCE) коэффициенти компаниянинг капитал базасининг рентабеллигини аниқлайди, шунингдек мазкур коэффициент ўзида қарз ва хусусий капитали суммасини намоён этади. ROCE қанчалик юкори бўлса, капитални бошқариш самарадорлиги изжобий бўлади, чунки киритилган инвестиция капиталидан юкори даромад келтираётганидан далолат беради.

#### Хуласа (Заключение, Conclusion).

Акциядорлик жамиятлари капиталини оптималлаштиришнинг бош мақсади унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилаган ҳисобланади. Самарадорлик кўп киррали тушунча бўлиб, умумий маънода минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришиш қобилиятини англатади. Бу жараёнларни оптималлаштириш, ортиқча харажатларни камайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланиши ўз ичига олади. Кейинги йилларда капиталдан фойдаланиши самарадорлигини оширишда молиявий ва ракамли технологиялардан кенг фойдаланиш мухим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида кўшимча харажатларни талаб қиласидаган соҳаларни ракамлаштириш асосида юкори молиявий натижаларга эришиши назарда тутади.

Акциядорлик жамиятлари капиталдан фойдаланиши самарадорлиги ва молиявий баркарорлик мониторинг механизмини самарали ташкил этилиши, компаниянинг белгиланган стратегик мақсадларига эришишда йўқотилен имкониятлар, молиявий баркарорликни эконометрик прогноз қилиш, молиявий рискларни баҳолаш асосида уларни даражасини минималлаштириш имконини беради. Халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда, акциядорлик компанияларида “due diligence” текширудан ўтказиши тартибини жорий этиш, компаниянинг истикబолдаги инвестицион имкониятларини баҳолаш билан бир каторда ахборотлар шаффоғлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Капиталдан фойдаланиши самарадорлигини оширишда мукаммал ишлаб чиқилган молиявий ва инвестицион стратегиялар мухим ўрин эгаллади. Айниқса бутунги кунда ташки имтисодий-сиёсий майдонла рўй берадиган ўзгаришлар компаниялар томонидан ҳар томонлама таҳлил асосида истикболли стратегиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Албатта бундай шароитда компаниялар томонидан ишлаб чиқилган молиявий ва инвестицион стратегияларга турли кўзда тутилмаган омиллар ҳам таъсир этиши мумкин. Лекин компания ижро органлари томонидан турли сценарийлар асосида капитал тузилишига доир варианtlарни тақдим этиши истикболдаги молиявий йўқотишларни минималлаштириш таъминлайди.

9. Khamdamov O. N. IMPROVING THE PRACTICE OF USING MULTIPLIER COEFFICIENTS IN FORMING FINANCIAL STRATEGIES //International Journal of Advance Scientific Research. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 280-288.
10. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги статистика агентлигининг расмий веб-сайти
11. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини расмий веб-сайти